

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"QashPi" AJ

Объявление

"QASHQADARYO PARMALASH ISHLARI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

“ҚАШҚАДАРЁ ПАРМАЛАШ ИШЛАРИ”АЖ ДИРЕКТОРИ ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДНИ ТАНЛАШ
УЧУН ТАНЛОВ

ЭЪЛОН!

“Қашқадарё пармалаш ишлари”АЖ директори лавозимига номзодни танлаш учун танлов эълон қилади.

Номзодга қуйиладиган талаблар:

-Нефт газ иши,Технологик машиналарни жихозлаш,Фойдали қазилма конлари геологияси кидируви ва разведкаси,Геология ва кончилик иши мухандиси,мухандис-иктисодчи бўйича олий маълумотга эга бўлиши;

-рахбар лавозимларида(рахбар,рахбар ўринбосари,бош мухандис,бўлим/цех бошлиғи),шу жумладан нефт газ соҳасида камида 3 йиллик иш тажрибаси;

-Нефт ва газ қудуқларини,синаш,капитал таъмирлаш,бурғулаш,геология ва кончилик ишларида технологик ва автоматик ишлаб чиқариш ускуналарининг муваффақиятли ишлаши,шу жумладан янги технологияларни ишлаб чиқаришга тадбик этиш тажрибаси;

-мехнатни ташкил этишнинг бозор шаклларини жорий этиш,ишлаб чиқариш қувватлари ва технологиялардан самарали фойдаланиш қобилияти;

-кузатув кенгаши аъзолари ёки Жамият раҳбарлари билан бирон бир қариндошлик алоқалар йўқлиги;

-иқтисодий ёки менежмент соҳасидаги жинойий иш кўзғатилмаганлиги,шу жумладан чет элга чиқишга чекловлар йўқлиги;

-юқори даражадаги алоқа маданияти,интизом,катъийлик,халлоллик ва стрессга бардошлиги;

Чет тилларини билиш:

- -резидент учун:ўзбек тили-равон,рус,инглиз ёки немис тилларида сўзлашув қўллаб-қувватланади;
- -норезидент тучун:рус,ўзбек,инглиз ёки немис тилларида сўзлашув қўллаб-қувватланади.

Компьютер билими:

MSOfficeдаи шончли фойдаланувчи ёки (мукамалбилиши).

Лавозим вазифалари:

- -Жамият фаолиятини бошқариш, самарали, барқарор ва даромадли ишни ва унинг ривожланишини таъминлаш;
- -Бизнес-режалар ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, шунингдек уларнинг қатъий бажарилишини назорат қилиш;
- -Маблағлар такчиллигини коплаш, Жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва шартномавий мажбуриятларни бажариш чораларини кўриш;
- -Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун зарур бўлган микдорда, шунингдек ижтимоий соҳада жамиятнинг даромадини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш юзасидан тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;
- -Ишчилар(ҳодимлар) учун ижтимоий қафолатлар ва хавфсиз меҳнат шартномаларига риоя этилишини таъминлаш;
- -Амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармонлари, ҳамда жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларни талабларига риоя қилиш;
Асосий иш шартлари:
-Иш тартиби: 5/2, 8:00дан 17:00гача. Доимий иш.

-Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ рўйхатдан ўтиш.

Иш ҳақи: штат жадвалига мувофиқ + Жамиятнинг ички ҳужжатларига ва бозор механизмларига мувофиқ тўловлар

Конкурснинг махсус шартлари:

- -Номзодлар бир хил балл туплаган тақдирда, хорижий менежерга устунлик берилади; Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиш;
Лавозимга(номзод) даъвогарларнинг ҳужжатлари:
-резюме ёки справка-объективка;
-дипломлар ва сертификатлар нусхаси;
-судланмаганлик туғрисидаги маълумотнома
-шунингдек, меҳнат дафтарчасининг нусхаси резидент учун.
-номзоднинг бошқа маълумотлари (давлат мукофотлари, хорижда амалиётлар, тавсияномалар);
-жамият директори сифатида асосий устувор вазифаларнинг қисқача тақдими(3-5варақгача), жумладан:
ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражасини ошириш;
иш ҳажмларини кенгайтириш;
жамиятнинг ички техника баъзасини янгилаш (УПА-60, НБУ-100);
чет эл қўшма корхоналари билан ҳамкорлик ишларини такомиллаштириш;
дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш;
чет эл инвестицияларини жалб этиш Режа ва имкониятлари;
кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан чет элда.
Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар конвертга солиниб, муҳрланган ҳолда нуксонларсиз бир нусхада қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Косон йўли 3 км
“Қашқадарё пармалаш ишлари” АЖнинг маъмурий биносида)**

Боғланиш учун шахслар-Жамият Корпоратив бошқарув бўйича менежер Турдиев Давронбек (тел: +99893 525-34-86) Хужжатларни қабул қилишнинг охириги муддати:

2023 йил 22 сентябр куни (махаллий вақт) соат 18:00 гача.

08.09.2023

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/16254/>

Дата: 26.06.2026